

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 209 (10.514)

2005 ЙИЛ 24 ОКТЯБРЬ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 октябрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.

— Ўзбекистон билан Россия Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома доирасидаги ўз мажбуриятларини тўла-тўқис адо этмоқда, дейиш учун барча асослар бор, — деди давлатимиз раҳбари. — Ўзбекистон ва Россия ўз саъй-ҳаракатлари билан ўзаро алоқалар дўстоналик ҳар томонлама кенгайтириб бориш учун шартин яратмоқда.

Президент Ислам Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар кўп қиррали эканлигини ва ҳамкорлик барча йўналишларда ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва Россия кўриқли кучларининг яқинда Жиззах вилоятидаги «Фориш» полигонда ўтказилган кўшма аксилтеррор машқлари, Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссиянинг Тошкентда бўлиб ўтган мажлиси ўзаро алоқалар кенг қамровли эканлигини яққол тасдиқловчи воқеалардир.

Ўзбекистон ва Россия сиёсий ҳамжи-

ҳатликни мустаҳкамлаб, халқаро майдондаги ҳамкорликни ривожлантиришда, ижтимоий-маданий, илмий, ҳарбий-техникавий соҳадаги алоқаларни кенгайтиришда.

Икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар халқ ҳўжалигининг қарийб барча тармоқларини қамраб олган. Ўзбекистон ва Россия ўртасида савдо-сўтиқ, телекоммуникация, энергетика, сўғурта, банк-молия соҳаларидаги ҳамкорлик айниқса, изчил ривожланмоқда. Россия сармоси иштирокида тузилган 400 дан ортиқ кўшма корхона мамлакатимизнинг озиқ-овқат, дори-дармон, ёғочни қайта ишлаш, электротехника, қурилиш материаллари, машинасозлик соҳаларида, кўплаб бошқа муҳим соҳаларда фаолият кўрсатмоқда. Россияда Ўзбекистон сармоси иштирокида тузилган 267 кўшма корхона фаолият юритаётди. Ўзбекистон вилоятлари билан Россия субъектлари ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқалари кенг йўлга қўйилган. Ўзбекистонда Рос-

сиянинг 82 фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. 2004 йилда ўзаро савдо ҳажми 2003 йилдагига нисбатан 42,9 фоиз ошиб, қарийб 1 миллиард 642 миллион АКШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг дастлабки етти ойига доир кўрсаткич эса 1 миллиард 337 миллион доллардан ошди.

Президент Ислам Каримов ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш имкониятлари мавжудлигини ва уларнинг ишга солиниши икки мамлакат учун ҳам манфаатли эканлигини таъкидлади.

С.Лавров Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаётганини, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик тамойиллари асосида ривожланиб бораётганини қайд этди. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ўзаро алоқалар, мамлакатларимизнинг халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлиги билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

XXI саҳоси
Барча маълумотлардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Элёр Ганиев билан учрашди.

● Аввал хабар қилинганидек, Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида икки кун давомиде «Марказий Осиёда хавфсизлик муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● Тошкентдаги «Радиссон» меҳмонхонасида монополияга қарши сиёсат бўйича Давлатлараро кенгаш қошидаги Реклама фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги мажлиси ўтказилди.

● Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилик ташаббуси билан Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон шароитида синовдан ўтказилган томчилик сўғуртиш технологиясини татбиқ этишга бағишланган икки кунлик ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди.

● Бухоро шаҳрида фаолият юритаётган «Ешлар маркази»да болалар ва ўсмирларга компьютердан сабоқ бериш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашининг беш миллион сўмлик грантига сазовор бўлган бизнес лойихаси бўйича компьютер графикаси мактаби очилди.

Жаҳонда

● Польшада икки номзод — Лех Качинский ҳамда Дональд Туск кураш олиб бораётган президентлик сайловларининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.

● Россия — Қозоғистон chegarасининг Оренбург областида жойлашган қисмида Россияга Қозоғистон Республикасида кириб келган автомобилни текшириш чоғида 370 килограмм гиванд моддалар топилиб, мусодара қилинди.

● Австралияда мамлакат тарихида энг йирик террорга қарши машқлар бўлиб ўтмоқда. Унда мингдан ортиқ полициячилар, федерал агентлар ва ҳарбий хизматчилар иштирок этмоқда.

● Испанияда тинимсиз ёмғирлар ёғиши натижасида Барселона шаҳрининг айрим кўча ва майдонларини сув босди.

● Туладан сўнг Россиянинг яна бир области — Челябинскда ҳам парранда гриппи хасталиги аниқланди. Жумладан, синовдан ўтказилган 12 та парранданинг 6 тасида ушбу хасталик мавжудлиги тасдиқланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ТИЛ МАДАНИЯТИ ВА МАЪНАВИЯТИ

Тил — миллат руҳи, унинг асосий белгиси, маданиятнинг кўзгусидир. Мамлакатимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганидан сўнг у янада раванқ топиб, жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида тўла амал қила бошлади. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунида давлат тили расмий амал қилинадиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилиши муҳимлиги белгилаб қўйилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 16 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган «Телерадио: тил маданияти ва маънавияти» мавзусидаги семинарда шулар ҳақида сўз юритилди. Ушбу тадбир қуйи палатанинг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилди.

Мазкур қўмита раиси Х.Дўстмухамедов бошқарган анжуманда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, олимлар ва ёзувчилар, олий ўқув юрталари талабалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирда давлат ва мустақил телерадио каналлари бошловчиларининг тилдан фойдаланиш маҳорати, уларнинг она тилимизга муносабати хусусида маърузалар тинланди.

Ўзбек тилининг макеини янада юксалтириш, тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг

барча қонун-қоидаларига қатъий амал қилиш, сўз ва ибораларни тўғри талаффуз этиш ва ёзиш, қабул қилинган умумодабий тил меъёрларига риоя этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Телевидение ва радиода бошловчиларнинг нутқ маҳоратини янада ошириш учун махсус машғулотлар ўтказиш юзасидан тавсиялар берилди.

Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА муҳбири

Спорт

ШАРҚ ГЎЗАЛЛАРИ ТОШКЕНТДА УЧРАШАДИ

Мамлакатимиз пойтахти яна бир нуфузли халқаро турнирга мезбонлик қилишга тайёргарлик кўрмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 18 октябрдаги Фармойишига биноан, спортнинг бадий гимнастика турини янада оммавийлаштириш мақсадида 3-7 ноябрь кунлари «Ўзбекистон» спорт мажмуида бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоғи босқичи — «Шарқ гўзали — 2005» халқаро турнири ўтказилади.

Ушбу мусобақа Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ва Бадий гимнастика федерацияси ташаббуси билан иккинчи маротаба ташкил этилаётди. Ўзбекистонда спортнинг бошқа турлари қатори бадий гимнастикани ривожлантиришга Президент Ислам Каримов томонидан берилётган улкан эътиборни ва юртимизнинг ҳар қандай йирик спорт анжуманларини юқори савияда ўтказиш борасидаги қатта тажрибасини инобатга олган ҳолда, Халқаро гимнастика федерацияси раҳбарияти ўтган йили 28 сентябрь — 2 октябрь кунлари бу нуфузли турнирни ўтказиш учун Осиё ҳудудида илк бор мамлакатимизни танлаган эди.

— 2004 йилдан эътиборан пойтахтимизда ўтказилган «Шарқ гўзали» турнири Халқаро гимнастика федерацияси дастурига киритилган йирик мусобақалардан, — деди Ўзбекистон бадий гимна-

стика федерацияси бош қотиби Зарина Абдуллаева. — Бу турнир нуфуз жиҳатидан Олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпионатига яқин туради, у жаҳон кубогининг олти босқичидан бирidir. Жорий йилда жаҳон кубогининг дастлабки уч босқичига бадий гимнастика нисбатан ривожланган мамлакатлар — Франция, Россия ва Озарбойжон мезбонлик қилди.

«Шарқ гўзали — 2005» халқаро турнирида қатнашиш учун Тошкентга ўндан зиёд мамлакат миллий терма жамоалари келади. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари мусобақага жиддий тайёргарлик кўриш учун ўқув-машғулот йиғинларини Москва шаҳрида ўтказди. «Шарқ гўзали — 2005» халқаро турнирида юртимиз шарафини Олеся Ашаева ҳамда Зарина Мухаммедова ҳимоя қилади.

Зоҳир ТОШҲУҲАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

ПОЙТАХТНИНГ
Дир кўни
Янгиликлар, воқеалар

Кўнлар

● **ЎТГАН** куни 319-мактабда «Камолот» ЁИХ Яқсарой туман Кенгаши томонидан мактаб «Камолот» ва «Камалак» сардорлари учун ўқув семинари ташкил этилди.

● **ТОШКЕНТ** Ирригация ва мелиорация институтида «Маънавият ва маърифат» марказининг Мирзо Улуғбек туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Ўзлигини топган ўзбегим» деб номланди.

● **РЕСПУБЛИКА** Қизил Ярм Ой жамиятининг Тошкент шаҳар Кенгаши Фавкулдада вазиятлар бўлими ташаббуси билан шаҳримиздаги халқ ҳўжалиги объектлари санитар дружиналарининг етакчилари учун ташкил этилган беш кунлик ўқув семинари ЭРТАГА яқунланади.

● **БУГУН** «Баҳор» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг Сергели туман бўлими ташаббуси билан «Тамаки чекиш, гивандлик ва фоҳишабозликнинг зарарли оқибатлари» мавзусида ўтказилган давра сўхбатига ёшлар, руҳшунсо шифокорлар иштирок этишди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги 5-музыка мактабиде «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамда туман халқ таълими бўлими ҳамкорликларида ўтказилган тадбир «Ўз уйингни ўзинг асра» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

Шундан сўнг жиноят ишида мавжуд материаллар билан танишишга ўтилди. Воқеа жойини кўздан кечириш, судланувчиларнинг шахсини таниб олиш баённомалари, содир этилган террорчилик ҳаракати оқибатида etkazилган мулквий-моддий зарарлар бўйича суд-товаришнослик экспертизаси хулосалари билан танишилди. Тегишли суратлар, слайдлар намойиш этилди.

Дастлабки тергов давомида иш бўйича 15 нафар айбланувчи воқеа жойига олиб борилган. Улар билан ҳолилар иштирокида текширув ўтказилган, воқеалар жараёни синчиқлаб ўрганилган. Буларнинг барчаси суратга туширилган, тасвир олинган ва белгиланган тартибда ҳужжатлаштирилган. Судда ана шу текширув баённомаси ўқиб эшиттирилди.

Баённомада қайд этилганидек, айбланувчи А.Ҳақимов 8 май кунги Қўриқистондан олиб келинган қурол-яроғни «Офис лэйн» фирмаси омборхонасига яшириб қўйишгани ҳақида кўрсатма берган.

Айбланувчи А.Ҳазиев ҳарбий қисмга, ундан сўнг қамоқхонага ҳужум қилишда қатнашгани, у ерда бир ҳарбийни отиб ўлдиришга тўғрисида сўзлаган.

Айбланувчи Ҳ.Нодиров 12 майдан 13 майга ўтар кечаси «армомий» биродарлари томонидан қамоқхонадан озод қилинган, ташқарида тарқатилаётган қурол-яроғ ичидан автомат олгани, Миллий хавфсизлик хизмати вилоят бошқармасига ҳужумда иштирок этиб, сўнг вилоят ҳокимлигига боргани, у ерда гаровдагиларни уриб-қўйганини айтган.

Айбланувчи И.Ҳожиёв 200 минг АҚШ долларини майка ва футболкасига жойлаб олиб келгани, уни Қ.Парпиев билан «Селикон» фирмасига олиб бориб Б.Раҳмоновга бергани, ҳарбий қисмга, қамоқхонага ва ҳокимлик биносига ҳужумларда қатнашгани, у ерда бир ички ишлар ходимини отиб ташлагани ҳақида гапирган.

Бошқа айбланувчилар ҳам 12-13 май кунлари қаерда қандай ҳаракатлангани ва ўзлари содир этган жиноий қилмишлари тўғрисида батафсил кўрсатма берган.

Айбланувчилар баён этган ҳолатлар бўйича фотосуратлар намойиш этилди.

«Акромийлар» диний оқими аъзоларидан 23 нафарининг суди бўлган Андижон шаҳар суди биноси атрофидаги ва вилоят ҳокимлиги олдидаги воқеалар тасвирга олинган видеокассеталар бўйича экспертиза комиссиясининг хулосаси тақдим этилганидан сўнг судда мазкур видеотасвирлар намойиш этилди.

Айни пайтда қамоқда бўлган, ушбу жиноий иш бўйича гувоҳ сифатида кўрсатма берган

Одилжон Усмоновнинг айтишича, шаҳар суди биноси олдидаги «пикет»ни тасвирга олиш учун Шариф Шокиров, вилоят ҳокимлиги олдидаги «тинч намоийш»ни тасвирга олиш учун эса Ҳаётулло Мадамонов унга видеокамера берган. Воқеалар бошқа видеоканалларда ҳам тасвирга туширилган.

Видеотасвирда суд биноси олдидаги «пикет»да бир хил костюм кийиб, галстук таққан кимсалар, рўмол, ҳижоба ўранган хотин-халаж тўлганлиги, шу яқин жойда ижарага олинган хонадонда уч-тўрт кимса кўчини кузатиш баробарида, «намоийшчилар»га тарқатиш учун мўлжалланган юзлаб пакетлардаги озиқ-овқатларни қўриқлаб тургани намойиш бўлади.

Шу ўринда суд мажлисида гувоҳлик берган Улғунор туманидан келган суғ соғувчи Маълум

қолган ва ўзини «юридик коллеж талабаси» деб таништириш ва ИИГитчанинг машина ичига олиб килинган ва Я.Хожиёв томонидан сўроқ қилиниши жараёнлари акс этган.

Навбатдаги видеоларда тартибсизликлар кучая бориб, жиноятчилар ёқиб юборилган автомобиллар билан йўлларни тўсиб қўйгани, театр ва кинотеатр биноларининг ёнаётгани, яқин атрофдаги уйларнинг томларига снайперлар жойлаштирилгани, жангарилар ички ишлар ходимларини гаровга олиб кела туриб: «Қаршилиқ кўрсатсанг, отвораман» дей пўписа қилаётгани, бу каби ҳаракатларда, аяниқса, 15 нафар судланувчи алоҳида фаоллик кўрсатаётганини кузатиш мумкин.

Бир лавҳада видеотасвирчи: «Хорманлар, тарихга тушириб қўяй сизларни», деб нажара ортида ётган қуролли шерикларига яқинлашмоқда. Бошқа жойда бир тўда кимса шишаларда ёндирувчи, портловчи моллар тайёрлапти. Камера ўзига қаратилганини кўрган томдаги жангари снайперлик қуролини кўтарди. «Сенга ярашибди», деб оператор уни рабатлантирган бўлади.

Бирдан пала-партиш ўқ овозлари эшитилиб қолади. «Ким отаяпти, ким отаяпти?» деган ваҳимали саволга шу заҳотиёқ: «Ўзимизникилар, ўзимизникилар», деган бақир-чақирлар билан жавоб қайтарилгани қўлоққа

челинади. Шундан сўнг «тинч намоийшчилар» олдида сўзга чиқувчилар пайдо бўлади.

Тасвирнинг яна бир жойида ҳоржий журналистларнинг жангарилар ўраб олган дарвозадан кириб келаётгани акс этган. Қуролли кимсалардан бири: «Текширайликми?» деб «каттаси»дан сўраганида, у: «Йўқ, текширмай олиб кираверинлар», дейди. Ҳоржи муҳбирлар пайдо бўлиши билан «намоийш ахли»ни бошқариб турганлар ўз гапларига сиёсий тус беришга урина бошлайдилар.

Бир жойда уч-тўрт ўсирири «Нексия» машинасини бўлақлаб, талон-торож қилиш таррадуида экани тасвирланган. «Акромийлар» оператори ёшларни жиноий йўлдан қайтариш ўрнига, бу манзарани хотиржам тасвирга олишда давом этади...

Ҳа, жангарилар ўз «хожа»ларига ҳисобот бериш, кетган сарф-ҳаражатларни ўзига жос тарзда ҳужжатлаштириш, шунингдек, «тарихда қолиш» илжида иштиёқ билан тайёрлаган видеотасвирлар бугун уларнинг жиноий ҳатти-ҳаракатларини фош этишда муҳим ашёвий далил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ғулом НОРЗАЕВ, Бехоз МИРЗОЕВ, ЎЗА махсус муҳбирлари

ФИТНИНИ ДАЛИЛЛАР ФОШ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланаётган 15 нафар судланувчига оид жиноий иш бўйича давом этаётган суд жараёнида узрли сабабларга кўра суд мажлисида қатнаша олмаган жабранувчилар, уларнинг вакиллари, гувоҳлар ва даъвогар фуқароларнинг дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатмалари ўқиб эшиттирилди.

да Қозоқованинг сўзларини келтириш жоиз: «Фермамининг Раҳматулло деган иш юритувачиси 8-9 май кунлари: «Опа, Андижонга бориб келамиз», деб мен билан бирга 15 кишини микроавтобусда шаҳар суди олдида олиб келди. Бир неча юз киши қатори кун бўйи ўша жойда ўтирдик. Кетаётганимизда биттадан пакет беришди. «Нима бу? Керакмас», деганимга қарамай: «Олиб қўяверинг», деб қўлимга тутқазди. Ичиди шакар, печене ва шунга ўхшаш майда-чуйда нарсалар бор эди».

«Акромийлар» вакилларининг ёлпасига янги, пўрим либосларни кийиб олиши, таниш-билишларнинг уюшган ҳолда транспортда олиб келиниши, «пикетчи»ларга маркашлатирилган тартибда озиқ-овқат тарқатилиши, ҳоржий журналистларнинг бир зумда ҳозир нозир бўлиши — буларнинг барчаси шаҳар суди биноси олдидаги «пикет» аяшигана мўлажаллаштирилган ва пухта ташкиллаштирилган, дейиш учун асос бўлади.

«Пикет» ташкилчилари хавфсизлик масаласига жиддий эътибор берган. Тўданинг замонавий техника воситалари билан таъминланган қўриқчилар-ю айдоқчилари ҳам бўлган. Видеотасвирда ана шу айдоқчилар томонидан «шубҳали шахс» - қизиқиб майдонга келиб

Ободлик кўнгилидан бошланади

УМУМШАҲАР ҲАШАРИ ҚИЗГИН ЎТДИ

«Ҳашар — ҳаммага ярашар» нақлининг ҳаётбахш кучини ўтган шанба, яқшанба кунлари умумшаҳар ҳашарида иштирок этган ҳар бир ҳамшаҳримиз юрак-юракдан ҳис этган бўлса ажаб эмас.

Илгари хабар бериб ўтганимиздек, аввалги ҳафтада ташкил этилган умумшаҳар ҳашарининг узвий давоми 22-23 октябрь кунлари уюшқоқлик билан бўлиб ўтди. «Ёз ёлпинчи»нинг кўйма, қишда ўзинг биланаси» нақли бежизга айтилмаганини аяши англаган ҳамшаҳарларимиз, қорхона, ташкилот, олий ўқув юрталари, коллеж, маҳалла ва мактаб ўқувчилари, талабалар ва ишчи-ҳодимлар яқинлашиб келаётган аёзли, изғиринли, совуқ кунлар олдида ўз худудлари, теварак-атрофини ораста, шинам ҳолга келтиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўйдилар.

— Туманимизда жойлашган 17 та тиббий муассасаларда хизмат қилаётган 2500 дан ортиқ тиббий ходимлари умумшаҳар ҳашарида бажонидил иштирок этидилар, — дейди биз билан сўхбатда Шайхонтоҳур тумани ҳудудий тиббий бирлашмаси ва Абу Али ибн Сино номидаги 1-клиник шифохона бош шифоқори, олий тоифали хирург Салоҳиддин Бахридирхонов. — Айни вақтда қишга тайёргарлик юмушлари тўла бажарилди, деб айта оламиз. Нафақат худудимиз, балки теварак-атроф ҳам озода ҳолга келтирилди, дараклар буталиб, қургиларини олиб ташланди, кўп йиллик гулларнинг таглари юмшатилиб, чўқиндилардан тозаланди, ариқ ва зовурлар тоза-

ланиб, сантехника жиҳозлари, ертўнлар назардан ўтказилди, синган ойналар солинди, томларнинг ҳолати кўздан кечирилиб, керак жойлари тайёргарлик ишларини аъло даражада бажариб қўйилди. Илм мактабинининг бутун худудини ободонлаштириб, синф хоналарида тартиб-интизом, озодалиқни сақлашга интилиб келмоқда. Ҳар иккала шанба, яқшанба кунлари ўқувчиларининг бутун атрофини тозалаб, дароҳат ва гул қўчатларининг таглари юмшатиб, чиқиндилардан тозалаб қўйдилар. «Бўстон», «Хувайдо» маҳаллаларида истиқомат қилувчи яқка-ёлғиз кексаларнинг уйларини тозалаб, ораста қилиб бердилар. Қадриятларимиздан миннатдор бўлган кексаларнинг дуоларини олдилар...

— Халқимизда «Сендан ҳаракат, мендан баракат» деган бир яши ҳикмат бор, — дейди Яққасарой тумани Оксоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Рўзи Турсуналиев. — Шанба, яқшанба кунлари бошланган ҳашар яна давом этади. Туманимиз аҳолиси илиқ кунларни ганимат билиб мўлжалдаги режаларни амалга ошириш учун қўлларига кетмону белкурак, супур-гиларни олдилар. Қорхона, ташкилотларнинг атрофлари, ариқ-зовурлар, қабристонларни тозалаб, кўрганда кўнгилга илиқлик югурадиган покиза ҳолга келтирдилар. Ахир ободлик кўнгилидан бошланади. Булардан ташқари айрим кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий кўмак берилди. Уйлари тозаланиб, дераза ойналари солиб, томларини таъмирлаш учун шиферлар олиб берилди.

— «Қишинг бир куни қолса ҳам қиш» дейилган ўғитдан ҳар биримиз хулоса чиқаришимиз керак, — дейди Собир Раҳимов туманидаги 243-мактаб директори Насибхон


Нишонов. — Шунинг учун ҳам жамоамиз илиқ-иссиқ кунларда қишга тайёргарлик ишларини аъло даражада бажариб қўйилди. Илм мактабининг бутун худудини ободонлаштириб, синф хоналарида тартиб-интизом, озодалиқни сақлашга интилиб келмоқда. Ҳар иккала шанба, яқшанба кунлари ўқувчиларининг бутун атрофини тозалаб, дароҳат ва гул қўчатларининг таглари юмшатиб, чиқиндилардан тозалаб қўйдилар. «Бўстон», «Хувайдо» маҳаллаларида истиқомат қилувчи яқка-ёлғиз кексаларнинг уйларини тозалаб, ораста қилиб бердилар. Қадриятларимиздан миннатдор бўлган кексаларнинг дуоларини олдилар...

Бундай ободонлаштириш, тозалаш ишлари шаҳримизнинг барча туманларида бўлиб ўтди. Дарҳақиқат, шаҳримиз аяли олтин кунинг ҳар бир кунини ганимат билиб қилиш-қировли дамларга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Иситиш



тармоқларининг мавсумга шайлиги, дераза-эшикларнинг бус-бутун бўлиши, томлардан чакка ўтмаслиги қанчадан-қанча асослаштирилганларнинг олдини олиб, ишга, ўқишга хотиржам бориб-қелишга хизмат қилади. Озодлик, саранжом-саришталик юмушлари қўндалик ишимизга айланиб қолади, деб ният билдириб қоламиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: шанба, яқшанба кунлари бўлиб ўтган умумшаҳар ҳашаридан лавҳалар. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Ироқда янги Конституция лойиҳаси бўйича референдум ўтказилди. Референдумда сайловчиларнинг 60 фоизи қатнашди.

● Украина Президенти Виктор Ющенко агар журналист Георгий Гонгадзе ўлими ҳақидаги ишда собиқ президент Леонид Кучма иштироки аниқланадиган бўлса, у дахлсизликдан маҳрум қилинишини айтди. Мамлакат раҳбари ҳали қотилик ташкилотчиси ва буюртмачисини топиш зарурлигини таъкидлади.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ходимларни ишга олиш ва хизматчиларнинг ўзини тута билиши, қисқаси, хулқ-атвори борасида янги қоидаларни амалга татбиқ этилди. Бу қоидалар БМТ ходимлари коррупция ва ахлоқсизликларга аралашиб қолишининг олдини олиш мақсадида жорий этилди. Янги қоидаларга кўра, хизматчилар БМТнинг раҳбарлик лавозимларида фаолият бошлашдан олдин тўдириладиган декларацияда нафақат ўзлари, балки яқин қариндошларининг ҳам мольвий аҳоли ҳақида маълумот беришлари шарт.

● Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти янги тамойилни амалга киритмоқчи. Бу қоидага бинобан, ташкилотга аъзо бўлган мамлакатлар терроризмга алоқадорликда гумон қилинган шахсларни қайтариб бериши ёки ўз жиноят қонунчилиги асосида ҳукм қилиши керак бўлади. Бу ҳақида ЕХҲТнинг амалдаги раиси, Словения ташқи ишлар вазир Дмитрий Рупел «Интерфакс» ахборот агентлигига берган интервьюсида айтган.

● Европа Иттифоқига аъзо давлатлардан бири Грецияда парранда гриппи аниқланди. Reuters агентлигининг хабар беришича, касаллик вирусини Хиос оролидаги хусусий фирмалардан бирида аниқланган. Ҳозирда такрорий текширувлар олиб борилмоқда. Текширувлар парранда гриппи борлигини тасдиқласа, Европа Иттифоқи Хиос оролидан парранда экспортини тақиқлаб қўяди.

● Покистоннинг Бағх аҳоли пунктида ташқи томоннинг ёмон кўриниши сабаб МИ-17 транспорт вертолётни қулаб тушиди. «Верто» хусусий телеканалнинг тарқатган маълумотида кўра, вертолёт бортида бўлган олти нафар ҳарбий, шу жумладан, икки зобит ҳалок бўлишган.

● Қариб соҳилларида ҳордиқ чиқармоқчи бўлганларнинг орзуси ҳали-вери амалга ошмайдиган кўринади. Чунки, мазкур худудларга бутун инсоният тарихидаги энг даҳшатли қўламга эга бўлган «Вилма» тўфони хуружи бошланди.

ИННОВАЦИЯГА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАН

«Иновация» — «янгиланаётган», «ривожланаётган» деган маънони англатади. Жаҳоннинг аксарият мамлакатларида инновацион технологиялар ривожига алоҳида эътибор қаратила бошлангани бежиз эмас. Сабаби, айнан шу соҳа иқтисодий тараққиётнинг юксалишида устувор аҳамият касб этмоқда.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетиде бўлиб ўтаётган «Иновация-2005» халқаро илмий-амалий анжуманида ана шу масалада атрофлича сўз юритилди. Унда юртимиз ҳамда Россия, Германия, Исроил, Франция каби давлатларнинг йирик корхоналари, илмий-марказлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда инновацион технологияларни ривожлантириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларига жорий этиш, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлашга катта аҳамият қаратилаётганини ўзбекистоннинг МДХ давлатлари ўртасида етакчи мамлакатлардан бирига айланиш имконини бергани таъкидланди.

Ахборотлаштириш, автоматлаштириш ва электрон бошқариш инновацион технологияларнинг асосий йўналишларидан. Мазкур соҳа тараққиёти кончилик, металлургия, гидрометеорология, электромеханика, автоматика ва бошқа кўплаб тар-

моқларда муҳим ўрин тутати. Бунда юртимиздаги Стратегик инновациялар ва ахборотлаштириш маркази олимлари томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар, тадқиқотларнинг ўрни ва аҳамияти катта.

Юртимизда ўнинчи марта ўтказилаётган ушбу халқаро анжуманининг асосий мақсади олимлар, саноатчилар, тадбиркорлар ва ёшларнинг инновацион-технологик ривожланиш соҳасидаги фаоллигини янада ошириш, бу йўналишдаги Ватанимиз илм-фани ютуқларини сарҳисоб этиш ва келгуси вазифаларни белгилаб олишдан иборат.

Икки кунлик илмий-амалий анжуманда иштирок этаётган хорижий олим ва мутахассислар ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, юртимизнинг вулкан маънавий ва иқтисодий салоҳияти билан аяқидан танишади.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



Шаҳримизнинг гўзал манзараси.

Алексей Попов олган сурат.

НАВБАТДАГИ МЕХНАТ ЯРМАРКАСИ

Сергели туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, «Маҳалла» жамағармаси ҳамда хотин-қизлар кўмитаси билан биргаликда навбатдаги меҳнат ярмаркасини ўтказди.

Унда йиғирмата корхона 250 дан ортиқ бўш иш ўрни билан қатнашди. Шунингдек, 46 та ташкилот ва муассаса томонидан 700 дан ортиқ вақант лавозимлар борлиги тўғрисида берилган маълумот ҳам тақдим этилди.

— Бугунги талабгорлар орасида хотин-қизлар кўпчилигини ташкил этди, — дейди Сергели туман меҳнат бўлими бошлиғи Холида Низамова. — Иш излаб келганларнинг юз нафарга яқини ўз иш ўринини топди. Йигирма нафарга яқин йиғит-қиз касб-хунар ўрганишга юборилди.

— Олти ойча бўлди, ишсиз юрган эдим, — дейди сергелилик Малика Исмоилова. — Бугун туманимиздаги Молия ва иқтисодиёт коллежига йўланма олдим. Эрта-индин ҳужжатларим расмийлаштирилган, иш бошлайман.

Бундай меҳнат ярмаркалари пойтахтимизнинг бошқа туманларида ҳам ўтказилмоқда.

Тошкент Радиотехника ва автоматика коллежиде кўп йиллардан буён Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинган кун байрам сифатида кенг нишонланмоқда. Бу йил ҳам коллежда бу санага қизгин тайёргарлик кўрилди. «Тилимизни улуглайлик» деб номланган байрам тадбирида коллеждаги русий забон ўқувчилар буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳаётига оид саҳна кўринишларини ўзбек тилида намойиш қилдилар.

Маърифат

ГОЛИБЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

Айниқса, «Тошдан телпак», «Бог кўча», «Туш таъбири» каби лавҳалар йиғилганларда катта таассурот қолдирди. 1-курс ўқувчиларининг ўзбек халқ мақоллари ва шеърятидан тайёрлаган бадиий композицияларининг ифодали ўқилиши таъсирчанлиги билан кишини ўзига тортиди.

Шуни таъкидлаш керакки, ўзбек тилини самарали ўқитиш борасида коллежимизда кўп йиллардан буён рус гуруҳларида ўзбек тилидан дарс бериб келаётган олий тоифали ўқитувчи Шоҳида Азимова ва етакчи ўқитувчи Мактуба Эргашеваларнинг олиб бораётган ишлари эътиборга лойиқ бўлмоқда.

Шу кўни Баҳодир Ҳасановнинг танбурда ижро этган мумтоз кўшиги барчага манзур бўлди. Шунингдек, тилимизни буюб гапирётган баъзи юрдошларимизнинг камчиликлари енгил кулги билан саҳна кўринишларида ифодаланди.

Тадбир сўнггида коллеж директори А.Зокиров тилга бағишланган «Деворий газета» талови голибларига, «Энг яхши саҳна кўриниши» соҳибларига фахрий ёрлик ва эсдалик совғаларини топширди.

Тил — бебаҳо хазина, ўзбек тилининг ҳақиқатини очилмаган жавоҳирлари беҳисоб. Шундай экан, ёшларимиз ҳам аجدодларимиз каби тилимизни улуглаб, унинг янада гўзал қирраларини ўзларининг илмий ишлари, асарлари, қолаверса, билгани ширин муомалаларида кўрсатадилар деб умид қиламиз.

Кимё НАСРИДДИНОВА,
Тошкент Радиотехника ва автоматика коллежининг «Маънавият ва маърифат» ишлари бўйича директор ўринбосари

Мунозага, мунозага

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

ХАЗОНЛАРНИ ЁҚМАНГ

Кўз бошланиши билан хазонрезлик бошланади. Дарахт япроқлари тилларанг тус олиб, бирин-кетин тўкила бошлайди. Бу япроқлар бутун ёз давомида ҳар хил заҳарли моддаларни, чанглари ютиб, ўзидан кислород моддасини ажратди. Шу сабабли тўкилган хазонларни ёқишга йўл қўймай, белгиланган жойларга тўкилса келгуси йили улардан маҳаллий ўғит сифатида фойдаланиш мумкин. Афсуски бунга ҳамма ҳам риоя қилавермайди. Баъзи хонадон бекалари, кўча фаррошлари томонидан йиғилган хазонларни ёқиб юбориш ҳолатлари тез-тез учраб туради.

Мутахассислар кўз фасли келиши билан шаҳримизда атмосфера ҳавоси кескин ўзгаришини таъкидлашади. Худди шу даврда метеорологик жараёнларнинг ўзгаришига йиғилган хазон ва шох-шаббалар, ахлат уюмларининг ўзбошимчалик билан ёқиб юборилиши сабаб бўлар экан. Бу ҳолат инсон нафас олиш йўллари ва юрак-қон томир касалликларининг кескинлашувига, айниқса болалар саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳайриятки ҳозирча шаҳримизда хазонларни ёқиб юбориш ҳолатлари (баъзи хонадонларни мустасно тутганда) деярли учрамапти. Лекин эртаниндин дарахтлар «қиш уйқуси»га кетиши олдиндан оммавий тарзда япроқларини тўқа бошлаганларида баъзи фаррошлар «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» қабилида иш тутмасликларига ҳеч қим кафолат бера олмайди. Шунинг учун шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари буларга хазонлардан осонликча қутулиш йўллари изламасликларини олдиндан тушунтириб боришлари керак.

Шу ўринда баъзи оилаларга айтадиган сўзимиз ҳам йўқ эмас. Кўпинча улар кечки пайт ҳовли саҳни ва эшик олдинду супуриб-сидириш пайтида хазонларни тўплаб ёқиб юборишга оdatланишган. Юқориде айтганимиздек хазонлардан қутулишнинг бундай усули зарарли оқибатларга олиб келар экан, яхшиси улардан ҳоли бўлишининг бошқа чорасини излаган маъқул. Масалан, ҳовлининг бир четидан ўра қавлаб йиғилган хазонлар ўша ўрага ташланса, киши билан улар чириб, келгуси йили тайёр ўғитга айланади. Кейин ундан томорқада етиштирилаётган хонаки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, гул ва дарахтларнинг парваришида фойдаланишлари мумкин.

Ҳаким СОТВОЛДИЕВ

ИНСОН АЗИЗ

Яқин бир қариндошимизнинг тўсатдан вафот этганини эшитиб, унинг хонадонига бордик. Оиласи, болаларига таъзия билдириб, сабр-бардош тиладик.

— Узоқ-яқин қариндошларимиз келишини кутамиз, марҳумни эртага пешин намозига чиқарамиз, — дейишганидан сўнг алламоҳалда уйга қайтдик. Эртасига қариндошимизни сўнгги йўлга кузатишга борсак, эшик тагига тумонат одам тўпланибди. Улар орасида кимлар йўқ дейсиз, кўни-қўшилар, дўстлар, яқинлар, ҳатто марҳум тириклигида у билан чиқишолмай сан-манга бориб юрганлар ҳам оила бошига тушган мусибатга қайгу билдириб бош эгиб туришибди.

Жаноза ўқилиб, қабристон томон йўл олдик. Марҳум дафн этилгач, фотиҳадан сўнг маҳалла фаолларидан бири туриб, йиғилганларга мурожаат қилди.

— Биродарлар, айтинглар, Саидолим қандай одам эди?

— Яхши одам эди. Беозор эди.

Ҳамма бир овоздан шу сўзни такрорлади.

Гўристондан қайтишда атайлаб Жобирбойнинг ёнига ўтдим. Сабаби у Саидолим билан ҳеч чиқишолмасди. Иккала кўшни арзимас ер баҳона сан-манга бориб қолишганди. Орадан неча йил ўтса ҳамки, уларнинг юлдузлари бир-бирига тўғри келмасди. Кўча-қўйда, тўй-туркунларда учрашиб қолганларида ҳам қўл бериб сўрашмиш у ёқда турсин, ҳатто бир-бирларига юзларини тескари буриб ўтишарди. Шундай юз кўрмас инсоннинг булган маърақада елиб-югуриши, кўшни оила бошига тушган мусибатга чин дилдан қайғуриши мени ҳайратга солди. Секин уни гапга тутдим.

— Бечора ҳали ёш эди, эрта кетди. Болаларнинг орзу-ҳавасини кўролмай армон билан кетди, — деди у астойдил қайғуриб.

— Ишқилиб, бир-бирларингиз билан муносабатларингизни тўғрилаб олганмидиларингиз?

— Йўқ, Лекин мен ундан мингдан мингга розиман. Нима, биз отамизнинг молини талашибмизидики, кечирилмас гуноҳ қилиб қўйган бўлсак. Ақалли орамиздан арзимас гап-сўз ўтган эди-да. Мен кечириб юборганман уни.

Уйланиб қолдик. Кўпинча инсонни тириклигида қадрига етмаймизда, ўлгандан кейин уни иззат-икром қилишга тушамиз. Ҳаётлигида ундан ҳар қанча норози бўлсак-да, вафотидан сўнг кечириб қадрлашга тушамиз. Аслида мана шу ҳурмат, эҳтиромимиз, иззат-икромимизни тириклигида кўрсатса яхши бўлмасиди? Одам ҳаётлигида қанчалки қадр-қиммат топса, ёруғ оламдан кўз юмаётган чоғида ўтган умридан ризо кетади. «Инсонни тириклигида эъзозла», деганларнинг асл маъноси ҳам мана шунда.

МУОМАЛАДА ГАП КЎП

Хонада диққинафас бўлиб ишлаб ўтирсам, телефон жиринглаб қолди. Гўшақдан:

— Бундук, газетга қарайсизларми ўзи? Хатоларини текширадиган одам борми? Кечаги сониде ҳам битта имло хатога йўл қўйибсизлар, — деган овоз эшитилди.

Бўйинда иллати борнинг тиззаси қалтиради. Пешонадан совуқ тер чиқиб кетди. Бир зум нима дейишни билмай қолдим. Беайиб парвардигор. Иш бор жойда камчилик бўлади. Бунисини тан оламиз. Лекин томдан тараша тушгандек оддий ўзбекча лутфини унутиб, таҳририятни айблаётган кишининг кўпол муомаласидан дилимиз зил кетди. Шундай бўлса-да ундан сўрадик.

— Айтинг, қайси мақолада хато кетибди? Библи қўйганимиз яхшида.

— Бир камим энди газетани ўқиб беришим қолувди.

— Ҳеч бўлмаса ўзингизни таништиринг. Исми-фамилиянгизни айтинг.

— Суриштириб нима қиласан, ундан кўра хатоларингни тузат.

Бир зумда гўшақдан қиска-қиска гудок эшитилди.

Майли, муомала маданияти ҳақидаги гапни кўя турайликда, оддий инсоний муносабатга ўтайлик. Ҳўп, айтинг, сизнинг бирор хатойингиз ҳақида сўз айтган одам наҳот ўзини таништиришни эп кўрмаса? Бунинг устига сизни «ўз ёнигга ўзинг қоврил» дегандек жумбоқли гап айтиб, индамай гўшақни жойига қўйса. Энди бунисини нима деб атамоқ керак? Дўстона танқидми, ёки атайлаб қилинган галамислики? Келинг, яхшиси гапни қўзмай, бу ҳақда аниқ хулосани сиз муҳтарам газетхонларингиз ҳўқимга ҳавола этиб қўя қолайлик.

Жадаллик билан илгариланган бораётган асримизни газета-журналларсиз тасаввур қилиш қийин. Ахир мустақил юртимизда амалга оширилаётган ҳар бир ўзгариш, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва уларнинг ижроси, жойлардаги янгилик ва тараққиётдан газета, журналларсиз қандай воқиф бўлиши мумкин. Ҳозирда уларнинг сони ортиб, газетхонлар учун ҳам ўзлари хоҳлаган нашрга обуна бўлиш имконияти туғилмоқда.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг ҳам дунё юзини кўрганига қарийб 39 йил ўтган бўлса, шу вақт ичида у ўзининг доимий ўқувчиларига, қатор нашрлар ичида эса ўз ўрнига эга бўлди, дея оламиз. Газета саҳифаларида ёритилиб келаётган ҳар бир мавзунинг газетхон эътиборини тортиб, баҳс-мунозаралар чорлаши учун имконият даражасида иш олиб борилмоқда. Айтиш мумкинки, ўтган йиллар давомида «Оқшом»чиларнинг фикр-мулоҳазалари, газетхонни чуқур мушоҳадага чорловчи ихчам, лўнда мақолалари турли соҳа ходимларини газетанинг ҳақиқий ихлосмандларига айлантира олди. «Оз-оз ўрганиб доно бўлур», «Турмуш чорраҳаларида», «Сиз кутган учрашув», «Хотира уйғонса гўзалдир», «Суд залидан», «Жиноятга жазо муқаррар», «Ажойботлар олами» каби қатор рухларнинг доимий ўқувчилари йиллар давомида ўз севимли нашрларини кўллаб-қувватлаб келмоқдалар.

«Оқшом» газеталари ижодий ходимлари ўз муштарийлари билан юзма-юз, очиқ мулоқот олиб бориш, уларнинг дилидаги фикрларни, таклиф ва мулоҳазаларни қоғозга тушириб, 2006 йил иш режаларида фойдаланиш каби хайрли ният билан учрашув ўтказиш ниятида Сергели туманида бўлдилар. Очиқ, ошкора, баҳс-мунозаралар, эркин фикрлашув асосида ўтган ушбу учрашувни газетхонлар эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.

Авалло шаҳримиз чиройига муносиб кўрк бағишлашга интилиб келаётган кенжагой туманлардан саналмиш Сергели тумани ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтсак.

Сергели туманининг умумий майдони 5,6 гектардан иборат бўлиб, аҳолиси 1512 минг кишини ташкил этади. Турли миллат вакиллари билан бир оила фарзандларидек бир ёқадан бош чиқариб олиб бораётган улкан бунёдкорлик, кенг кўламли ободонлаштириш ишларини кўрганда ҳавас қилмай илож йўқ. 2004-2005 йилларда амалга оширилган, инсон манфаатлари, турмуш фаровонлиги йўлидаги барча юмушлар натижаси ўлароқ туман киёфаси тубдан ўзгариб бормоқда. Бу муҳолафа эмас, туманга кириб борар экансиз, биргина Усмон Носир кўчаси билан Тошкент Халқа йўлининг 61-километрида қурилган, узунлиги 50 метр ва кенглиги 37 метр ҳамда баландлиги 5,5 метрни ташкил этувчи улкан кўприк гўёки туман белига «олтин камар» бўлиб қад ростлаганлигининг гувоҳи бўласиз. Тез, қисқа фурсатларда буй кўрсатган ушбу кўприк нафақат Сергели тумани ҳудудида, балки азият пойтахтимизнинг экологик ҳолатига ҳам ижобий таъсир этиб, транзит юк ташиш самардорлигининг ошишига ҳам хизмат қилмоқда. Ушбу кўприк қурилиши муносабати билан 2700 метр масофадаги йўллар ҳам таъмирланиб, кенг ва раво йўлларда автомашиналар қатновни учун янада қулайлик яратилди.

Ҳар томонлама ривожланиш сари юз тутган туманда 1262 та корхона фаолият юритиб келмоқда. Натижалар таҳлилига назар ташласак ўтган ярим йилликда санаотда маҳсулот ишлаб чиқариш

ҳажми 37,3 миллиард сўмни ташкил этгани, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 10,9 фоизга ортганини, шундан кичик бизнес-субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 16,9 миллиард сўмни, яъни 45,8 фоизни ташкил этганини, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 33,3 фоизга ортганини кўришимиз мумкин. Кичик корхоналар қаторида фаолият юритаётган «Новатор», «Меҳржон-Меҳрибон» масъулияти чекланган жамиятлар, «Интерсоқ» ҳамда «Катрис» қўшма корхоналари каби қатор ишлаб чиқарувчиларни илғорлар сафига киритиш мумкин.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтишни истар эдикки, туманда жорий йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун 2 миллиард сўмга яқин 169 та кредит молиялаштирилган. Бунинг ҳисобига 227 тадан ортиқ ишчи ўринлари яратилган. Шунингдек, 230 та тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб бугун улар туман иқтисодиётининг юксалишига хизмат қилмоқда.

Туманда жойлашган қатор касалхона, оливайи шифохона ва дорихоналар аҳоли саломатлигини тиклаш, 27 та умумтаълим мактаблари, мусиқа мактаби, коллеж ва мактабгача таълим муассасалари ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим-тарбияли бўлиб вояга етишларига хизмат қилмоқда.

Туман ҳокимлиги ва фаоллар томонидан жорий йилда эълон қилинган «Ўз уйимиз, маҳалламиз ва ҳудудимизни ўзимиз обод қилайлик!» ибратли ташаббуси эса ҳар бир сергелиликнинг гайратини жўш урдирди, десак адашмаймиз. Биргина тумандаги 72 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари то-

монидан 115 та уй-жойларни мукамал таъмирлаш йўлидаги қилинган саъй-ҳаракатларнинг ўзи ҳам мақтовга лойиқдир. Туман ҳудудида жойлашган ҳар бир муассасага борсангиз ибратли ташаббуснинг самарасини, яшнаб турган гулзор, орасталикни кўриб дилингиз яйрайди.

лиги ҳақидаги фикрларни билдириб ўтди.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари бош муҳаррири А.Ақромов эса кейинги йили газета 40 ёшга тўлишини таъкидлаган ҳолда айна навқирон ёшга етган, пойтахт аҳолисининг турмуши, эришилаётган ютуқ ва камчи-

ди: «Кўриб турганингиздек ибратли ташаббуснинг самараси ҳаммага маъқул бўлаётган экан, газетада янги рух очиб керакки, яъни «Ибратли ташаббуснинг қаноти бор» деган нақл буй кўрсатсин. Нафақат туманимиз, азим пойтахтимиз, балки бутун республикамиз жаҳоннинг манамаман деган шаҳар-

мизнинг қайси бир тумани йил давомида энг яхши кўрсаткичларга эришди, туманларга бириктирилган муҳбирлар қай даражада уни ёрита олдилар. «Энг яхши мақола учун», «Энг фаол туман», «Йилнинг энг фаол журналисти» каби номинациялар бўйича танловлар ўтказилиб йил якунида улар эълон қилинса, ўз касбининг устаси бўлган ходимлар муносиб тақдирланса. Туман мутасаддилари ҳам тахририят жамоасини кўллаб-қувватлайди албатта.

— Жуда ўринли таклиф бўлди деб ўйлайман, — деб сўз олди «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Холхўжа Умаров. — Маҳаллалар фаолиятини кенгроқ ёритиш керак. Ахир фуқаролар йиғини томонидан аҳоли тинчлиги, юрт фаровонлиги, болалар тарбияси бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Лекин фақат мақтов эмас, ҳар бир нарсага тўғри қараб, иш кўзини билмайдиган, одамларни менсимай, оёғи ердан узилиб қолаётган айрим оқсоқолларимиз ҳақида ҳам ёзиш керак. Токи вақтида улар кўзини очсин ёки ўзига муносиб бошқа иш топсин. Маҳаллага бош бўладиган одам аввало ўзи барчага ибрат бўлиши, одамлар дардини илғаб вақтида ёрдам бера олиши зарур.

— Биз ёшлар ҳам «Оқшом»ни севиб ўқиймиз, — дейди «Камолот» ЁИХ туман бўлимининг «Камалак» болалар ташкилоти раиси Гулчеҳра Жаъфарова. — Имкон борича унинг саҳифаларида мақолаларимиз билан қатнашишга ҳаракат қиламиз. Истардикки янги йилдан бошлаб ёшлар учун янги рух ёки янги саҳифа ташкил этилиб, ёшларбоп мақолалар мунтазам газета саҳифаларидан ўрин олса. Иқтидорли, истеъдодли, энг олий стипендияга сазовор бўлган, уч-тўрттадан тил ўрганиб, чет эллик тенгдошларини ҳам ҳайратга солаётган кенг салоҳиятли ёшлар, моҳир спортчилар, ёш тадбиркорлар қанча. Мақолалар ихчам, чиройли, ўқимишли, ёшларнинг фикр-уйларига яқин бўлиши керак. Уйлайманки барча билдирилаётган фикр-мулоҳазалар эътиборга олинса «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарини нафақат катталар балки, ёшлар ҳам қўлма-қўл қилиб ўқийдилар.

— Биз «Оқшом» газеталарини севиб ўқиймиз, — дейди «Темирўлчи» маҳалласи оқсоқоли Абдужаббор Каримов. — Айни кунларда маҳаллаларда олиб борилаётган юмушларни ёзса, ибрат қилиб элга кўрсатса арзийди. Газета жамоаси мана шунга эътиборни қаратиши лозим. Ахир шаҳримизда қанча маҳалла бор, кўпчилик юракдан ёниб, элим деб, юртим деб меҳнат қилмоқда, ўқиб-ўрганиб, тажриба орттирмоқда. Биз шуларни кўрсата

олишимиз керак. Газета қанча халқчил бўлса, ўқувчилари ҳам шунча кўп бўлади.

— Газета жамоаси билан учрашув бизга жуда маъқул бўлди, — деди «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими раҳбари Шавкат Ибрагимов. — Жойларда бу ибратли ташаббусни давом эттириш керак. Халқ билан яқин бўлсангизгина уларнинг дардини, қувончини, кўнгилдаги кечинмалар, эзгу ва хайрли юмушларни газета саҳифаларига қийналмай жойлай оласиз ва у албатта ўз ўқувчисини топади. Ҳуқуқий саводхонлик, маънавий ва жисмоний баркамоллик ҳақида кўпроқ ёзиш керак токи саводхонлик, таълим-тарбия, маънавий тўқлик негизи кишини ҳар томонлама комил инсон даражасига етказишни ҳар биримиз, айниқса ўсиб келаётган ёш авлод тушуниб етсин. Саҳифаларининг ранг-баранглиги эса газетани ўқимишли қилади, муштарийни эса доимий ҳамроҳингизга айлантиради.

— Айрим кўп қаватли уйлар ёнидан ўтаётди, кечагина таъмирлаб берилган эшик-ромларнинг синиб, гулзорга айланган қирғин ҳовли, кириш йўлакларининг қаровсиз ётганини кўриб кўнгил ранжийди, — дейди ўз сўзида «Камко» қўшма корхонаси директори Садриддин Хўжаев. — Мана шуларни ҳам ёзиш керак, ахир ҳамма вақт кимдир келиб ўзимиз яшаб турган уйни тузатиб, тозалаб бериб кета олмайдику, тўғрими? Ўз мулкимизни ўзимиз асрашни, шу уй, ҳовли ва йўлаклар фақат ўзимизга қарашли эканини, уни авайлашимиз, тозаозодалигига ҳисса қўшимиз кераклигини қачон ўрганамиз. Бу тўғрида кўпроқ ёзиш керак, тушунтириш, тарғибот-ташвиқот қилишдан, камчиликларни кўрсатишдан чарчамаслик керак. Ахир халқимизда «чиллаки чиллакини кўриб чумак уради» деган ибратли нақл бор. Зора, яхшиликдан қувониб, танбеҳдан тўғри хулосага келишни ўргансак.

Қизгин фикр-мулоҳазалар билдирилган ушбу учрашувда тумандаги 284, 301-мактаб вакиллари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ходимлари ҳам ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Ишончимиз комилки, 2006 йилдан бошлаб ижодий учрашув жараёнида айтиб ўтилган ҳар бир таклиф, фикр-мулоҳазалар «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари саҳифаларида ўқимишли, дилтортар мақолаларга айланиб ўз эгасини топади.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: Сергели туманида бўлиб ўтган учрашувдан ва туман ҳаётидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



«Сихат-саломатлик йили» давлат дастури ижроси борасида яқинда «Нўғай кўрғон» маҳалласида қад ростлаган, барча замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган, малакали тиббий хизмат кўрсатишга шай қилинган 11-оилавий поликлиника аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Энди бевосита туман фаоллари, корхона ва ташкилот, ўқув муассасалари, мактаб, коллеж, маҳаллалар вакиллари иштирокидаги учрашув тафсилотларига тўхталиб ўтсак.

Учрашувни туман ҳокими Мутolib Абдуллаев очар экан, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари туман аҳли учун жуда қадрдон эканлиги, унда ёритилиб келаётган шаҳар ҳаётига оид барча мавзулар муштарийларни қизиқтириши, шунинг баробарида янги рухлар, ўқимишли мақолалар газета саҳифаларидан янада кўпроқ ўрин олиши лозим-

ликлар, «Сихат-саломатлик йили» да амалга оширилаётган эзгу юмушлар, воқеа ва янгиликлар ҳақида сўзловчи ушбу нашрнинг 2006 йилдаги иш режалари ҳақида батафсил маълумот берди.

— Республикаимизда айна кунларда мингдан ортиқ газеталар нашр этилади, — деди жумладан бош муҳаррир. — Албатта газетхон ўзига маъқул бўлган, дилига йўл топа олган нашрни кўлига олади. Газетхонларни торта олиш учун ҳам ижодий ходимлар ўткир қалам соҳиби, кенг мушоҳадали, халққа яқин, унинг дилидаги, тилидагини ўқий оладиган зукко бўлишлари керак. Учрашувимиздан мақсад ҳам шу: газетамиз саҳифаларида нималарни ўқишни хоҳлайсиз, эътиборимиздан четда қолаётган мавзулар, ёритилмаётган ютуқ ва камчиликлар ҳақидаги фикрингизни ўрганиш, 2006 йилги иш режаларимиз билан ўртоқлашишдир.

Шундан сўнг туман ҳокими М.Абдуллаев ўринли фикр билдир-

лари қаторидан ўрин олсин. Токи ўз мулкимизни ўзимиз асрашимиз лозимлигини тушуниб етмас эканмиз натижа ҳам қувонарли бўлмайди. Тарғибот-ташвиқот ишларини тўхтатмаслигимиз, халқимизга тўғри еткази олишимиз керак».

— Мен «Оқшом» жамоасини кўллаб-қувватлаган ҳолда ўз таклифларимни билдирмоқчиман, — деди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Раҳимжонова. — Биз ҳозир ўз севимли нашримизнинг келаси йилдаги янги иш режалари билан танишдик. Газетанинг вақтида ўз ўқувчисини кўлига етиб келиши, туманлар ҳаётининг бутунлай янги қиёфада ёритилиши, «Шанба иловаси»нинг дунё юзини кўриши жуда яхши фикр, барчамизга маъқул бўлиши аниқ. Лекин мен шу ўринда бир таклифни ўртага ташламоқчиманки, бир йилда ўн икки ой бўлса, туманлар сони ўн битта, шунинг учун ҳам охири ойда туманлар мониторинги берилса қандай бўларкин? Қани шаҳри-

— Олий ва ўрта махсус таълимни вазирилик ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда амалга ошириладиган бўйича Ўзбекистон Президенти Исроил Каримов таъкидлаганидек, мамлакатингизда ўсиб келаётган авлоднинг янада ақли ва бахтли бўлиши йўлида амалга ошириладиган саъй-ҳаракатларга қисман ҳисса ҳолос. Ўзбекистон ёшлари ҳеч қимдан кам эмас ва барча давлатлар ўғил-қизлари билан тенгмантенг бир қаторда туради. Табиийки, уларнинг ҳам хоҳиш-истаклари, интилишлари бор. Улар билимга чанқокдир ва том маънода танлаган соҳаларда етакчилиikka эришишни ният қилмоқдалар, десак адашмаймиз.

Дарҳақиқат, бугунги ҳар бир кунимизни аввалги юз йилларга тенглаштирсак бўлади. Кун сари қўллаб-ўзғаришлар рўй бераётган, уларнинг бариини англаб олиш қанчалик қийин бўлмасин, лекин ҳар биримиз замон билан ҳамфасил бўлиш учун бунга улгуришга ҳаракат қиламиз.

Бундан 15-20 йиллар илгари вақти келиб Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги масофани уяли телефон ёки интернет тармоғи орқали қисқартиришга эришилиб, ҳар куни, ҳар соат, ҳар сонияда мулоқотга чиқиш имконияти очилишини ким ўйлабди, дейсиз. Бундай мулоқотларга эса инсон тафаккури ила яратилган юқори технологиялар шарофати билан эришилмоқда.

Тўғри, давлатлар ўртасида фарқлар кўп, аммо дўстлик, ҳамкорлик, қардошлик деган тушунчалар бор экан, имкониятларимиз ва ютуқларимиз билан ўзаро ўртоқлашиш ва тажриба алмашишимиз мумкин. Ва яхши маълумки, бу борада ҳар бир давлат авваллабор ўзининг куч-қувватга эга, қобилияти ёшларига катта ишонч беради.

Шундай экан, фурсатдан фойдаланиб, мен барчамиз орзиқиб кутаётган оламшумул ўзгаришларга биринчи оламда ўғил-қизларимиз тайёр бўлишлари кераклигига даъват қиламан, зеро бу ниятнинг албатта ижобат бўлишини ёшларимиз ўз зиммаларидаги бурч эканлигини унутмасликларди лозимдир.

Ҳамкорликдаги лойиҳамиз, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ёшларнинг муқталик ҳаётидаги илк орзу-ниятлари руёбга чиқишини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Уч йилдирки, «LG гранти» лойиҳаси Тошкент шаҳри микросидаги олий ўқув юртлари бўйича амалга оширилиб келинмоқда. Бунинг асосида иқтисодий, педагогика, филология, тиббиёт, молия, ҳуқуқшунослик, журналистика, ахборот технологиялари, муҳандислик, санъат йўналишларида шартнома бўйича тахсил олаётган бакалавр-талабалар орасидан 10 нафар энг салоҳиятлиларини махсус танлов асосида саралаб олиш белгиланган. Икки босқичда ўтказиладиган танлов шартларида қатнашиб, «LG гранти» соҳиби бўлиш истагини билдирган ҳар бир талаба шунингдек, юқори рейтинг натижаларига эга бўлиши, жамоат ишларида фаол қатнашиб келиши ҳамда унинг мақолали илмий нашрларда чоп этилган бўлиши шартдир.

— **Мазкур лойиҳа энг истеъдодли талабаларни аниқлаб, уларга грант ажратиш билан кифоялана-**

дими ёки бошқа имтиёзлар ҳам кўзда тутилганми?

— Авваллабор LG грантининг миқдори ўрта ҳисобда 500 минг сўм этиб белгиланганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Аслида бунда талабаларнинг бир йиллик шартномаси тўлови миқдори назарда тутилган, яъни тўлов ҳар бир олий ўқув юрти талабидан келиб чиқиб амалга оширилади. Масалан, Жаҳон тиллари университети талабаси учун бир йиллик тўлов шартномаси 700 минг сўм бўлса, демек LG гранти танлови бўлибнинг ўқув шартномаси компания томонидан шу миқдорда қоплаб берилади.

Шу билан бирга 10 нафар грант соҳиблари кейинчалик ижтимоий йўналишдаги турли қизиқарли дастурлар иштирокчисига айланади. Хусусан, улар волонтер — кўнгиллилар сифатида компания ҳомийлик қилаётган «Ёнгра» реабилитация маркази тарбияланувчилари — ногирон болаларга ўқув-тарбия ишларида ёрдам бе-

майд: ёшларимизда ўқишга бўлган қизиқиш ва эҳтиёж ортади, улар ўз келажаги сари интилиб, яхши натижаларга эришади. Шу каби акцияларнинг асосий мақсади ҳам айнан ёш авлодининг ўқишга бўлган қизиқишини орттириш ва бу борада уларга бево-сита ёрдам беришдир.

Мен ўзим ҳам қишлоқда туғилиб ўсганман ва ўз вақтида моддий кўмакка муҳтож бўлганман. Ота-онам ҳамда ҳомийлар ёрдамидан самарали фойдаланганим боис ҳаракатларим зое кетмади. Бироқ бу билан «LG гранти» гоиси шахсий ҳаётим тажрибаси асосида туғилди демоқчимасман, албатта. Шунчаки мисол тариқасида таққосладим ҳолос. Аслида бу хайрия акциясининг аънавий тус олишига мис-тер Аким — компаниямизнинг илк раҳбарларидан бири сабабчидир...

— **LG Electronics Inc. компаниясининг жаҳон бозорида муваффақиятли фаолият юритаётгани изох талаб этмайди. Лекин ижтимоий йўналишдаги лойиҳалари хусусида маълумот унча ҳам кўп эмас. Талаба ёшларни қўллаб-қувватлашга доир дастурларни яна қайси давлатларда татбиқ этмоқдасиз?**

— Ваколатхоналаримиз қаерда очилмасин, шу ерда ўз фаолиятимизни дастлаб турли ижтимоий акциялар ўтказиш билан бош-лашга ҳаракат қиламиз. Жумладан, Жанубий Қозғистонда ҳам LG гранти аънавий бўлиб бормоқда, фақат бу ерда шартла-ри бироз фарқ қилади. Чунинки, тест синовла-ридан муваффақиятли ўтган талабаларга беш йиллик стипендия тўловлари тўлаб борилади.

— **Талаба ёшларимизнинг бундай тадбирларда иштирок этишга катта иштиқ билдираётганларини инobatга олган ҳолда кейинчалик танлов шартларини республика микросида, яъни барча олий ўқув юртлари ўртасида тарғиб этиш имконияти бўладими?**

— Ҳамкорларимиз — Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан галдаги танлов юзасидан шартнома имзолашга бағишланган анжуманда бу саволни кўпчилик ёшлар кўтарди.

Тошкент — мамлакатингиз пойтахти, бинобарин, бу шаҳарда энг кўп — 30 дан зиёд олий ўқув юртлари жойлашган бўлиб, уларда барча вилоятлардан келган ёшлар тахсил олаётганини инobatга олиб, танловни шу ердаги олий ўқув юртлари бўйича ўтказишга қарор қилгандик. Биз учун мазкур танлов уч йил мобайнида ўтказилиб, аънавий тус олаётгани катта ютуқ ҳисобланади ва барча ташкилотчилар номидан таъкидлаб ўтмоқчиманки, кейинги йилларда дастур доираси кенгайтирилган ҳолда республика бўйича давом эттириш истагимиз бор.

Эртанги кунимиз, келажагимиз истиқболи бўлган ёшларимизга бугунги кунда қанчалик кўп имкониятлар яратиб берадиган бўлсак, улар шунчалик кўпроқ билим эгаллашга, ақл-идрок бобида заковатли инсон бўлишга ҳаракат қиладилар. Бу эса келажаги буюк давлатнинг муқтакам пойдевори демакдир.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА
суҳбатлашди

Шарқ дурдоналари

03-03 ўрганиб
Домо бўлди...

• Келтиришлича, Бани Исроил қавми орасида бир киши бўлиб, у дарё сафарига чиққан эди. Ногоҳ қаттиқ шамол кўзғалиб, кема қояга урилди ва кемадаги кишилар фарқ бўлди. Ҳалиги киши эса кемадан ажралган бир дон тахтага илиниб, қирғоққа чиқишга муваффақ бўлди. У қирғоқда тўпланиб турган амир ва вазиридан иборат бир тўда отликларни кўрди. Отликларнинг кўзи ҳалиги кишига тушиши биланок, барчаси отдан тушиши ва унинг устига шоҳона хиҳатлар ташлашиб, иззату иқром билан шаҳарга олиб келиб, салтанат тахтига миндиришди. Ҳалиги киши таажжубланиб ўзича: «Ё тавба, бу қанақа сир бўлди», дерди.

У бир неча кун дам олиб ўзини ростлаб олган, хаёлга чўмиб деди: «Улим чангалидан қутилиб, салтанат тепасига чиқиб қолдим. Ҳарқалай тирик қолганимга шукр қилмоғим, бундан кейин аҳволим не кечишини ўйлаб, эҳтиёт чораларини кўрмоғим зарур».

У шундай деб вазирилар орасида энг доно саналган вазирини йўқлатди. Уни ўз сирларидан хабардор қилди. Вазир ҳам уни мамлакат сирларидан воқиф қилиб деди:

— Бу халқнинг ҳар йилда тайин қилган бир куни бўлиб, ўша куни барчаси тўпланишди ва подшони тўтиб олиб шаҳар четидан ўтувчи қатта дарёга улоқтиришди. Эртасига эса узоқдан келаётган мусофирни тўтиб олишиб, тахтга ўтказдилар. Унга эса бу сирни ошқора қилишмайди. Ҳар йили шу аҳволни такрорлайдилар!

Подшо деди:

— Эй вазир, хозир қўлимизда имконият борлигида бу балодан қутулишимиз даркор. Чорасини топ!

Вазир ўйланиб туриб деди:

— Дарёнинг нариги бетида бир чангалзор бўлиб, доимо кўм-кўк бўлиб туради. У ерда ҳеч қим яшамайди. У ерга уста ва боғбонларни юборайлик, улар чиройли бинолар барпо қилишсин, атрофни боғ-роғларга айналтиришсин. У ерга яхши матолар ва бойликларни юборамиз. Сузувчи ғўломлар ва кемасозларга эса кема ясапти кўямиз. Сенинг подшоҳлик муҳлатинг туғашидан олдинкор мен у ерга бораман. Кема ва сузувчиларни юбориб, сени қутқариб олам!

Эртасига халқ подшони тўтиб дарёга улоқтирдилар. Вазир томонидан тайёрлаб қўйилган ғаввослар подшони тўтиб олиб, кемага чиқарадилар ва янги шаҳарга элтдилар. Подшо, вазир ва у ерга олиб борилган халқ осойишта ҳаёт кечира бошладилар.

ХИКОЯТ. Бир фозил киши бир улуг одам билан доимо ҳамнафас садоқат русумини жойига қўйишдан бир дақиқани ҳам зое ўтказмас эди. Бир кун ундан сўради: «Фалон киши суҳбатининг таъсири сен учун қай даражада?» Деди: муҳаббат нуридан кўзда, хаёли доимо дилда, эрур жоним томоғимдан тубромай ишдан бир дам.

Шеърнинг қилгани



Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ўзбекистон халқ шоири

ЎЗБЕКИСТОН НАВОЛАРИ
Бағри дарё, феълга дунё, эли барпо—
Гулшаним бор, Ўзбекистон азиз номи.

Халқим меҳри шу бўстонни этмиш барпо,
Дунё ичра ҳар бир дилда эҳтиромим.

Олтин тўла зар сандиқ — ҳар вилоятим,
Шаҳарларим — нур таралаган

Ҳар кунимиз бунёдкорлик ҳижолатим,
Ижод қайнар кўкси узра кеча-кундуз.

Қалбимда жо унинг минг бир фазилати,
Бағри обод, осмонда порлар кўёш.

Сен етти иқлимини бориб кўр, дўстим,
Етти мўъжизани сиздир баданга,

Сен олти қитъани айла томоша,
Жаҳон шаҳарларин айлан неча бор,

Яна сахроно чўл, тоғма-тоғ оша
Ватанинг бағрига қайтурсан зинҳор.

Майли ўрмонларни, уммонларни кез,
Кўп билмоқ баркамол этур инсонни,

СЎЗ СЕҲРИ

Шеър тугалмас лаҳзалик — оний бўлиб,
Балки шоирнинг яшар жони бўлиб.

СЕНИНГДЕК

Қай кунки кўрдим сени ойнаи жаҳонда,
Ҳайрат, ифтихор ўти ялат

Беҳад эди кўнгилда ошуфталик,
Мингдан бирин деюрга сўз йўқ

Қайси даврда ўтмиш сениндек
Келмиш сендек париваш ё қайси

Қайси раъно сениндек бўстонда
Ё қайси юлдуз сендек порлади

Жавҳари ақду мантиқ,
Сўзлар эди кўзинг ҳам лутф ила

Гўзаллар-ку жаҳонда кўндир,
Сендек гўзал тугилгай

ОИЛА

Эркак учун дунё - уйдир,
Аёл учун уй-дунё.

Бу қадимий мангу куйдир,
Жон ила тандир зўё.

Ул бириси бўлмас экан,
Бул бириси ҳам йўқдир.

Бир кема, бири елкан
Мисли камон ва ўқдир.

Ул иккисини ишқ — вафоси
Бу дунёнинг устуни.

Ҳар ким билур бахт сафосини,
Заминий ё ҳавоий.

Эр деҳқону аёла дала,
Демии буюк Навоий.

Бир арқоқ, бири ўриш,
Бир кўзу бири қош.

Бу — ҳаётни бир хил кўриш.
Бир мақсадада қўшмоқ бош.

Аёнинг бир шўх кулагини
Эрни этур сарафроз.

Эр дилини ишқ гулаҳани
Аёла кўнглини этур ёз.

Аёла уйда дунё тугазар.
Давом этар насллар.

Эр йўл босиб, денгиз сузар.
Луч келар тўрт фаслар.

Фуроқ бўлар, бўлар кўз ёш,
Севинч бўлар, дард бўлар.

Ким синова берса бардош,
Содиқ бўлар, мард бўлар.

Оила бу сеҳру меҳр,
Ҳайлол тўла олам.

Қайноқ туйғу, ёрқин зехи,
Ўзлгин топган одам.

Оила бу, ватандир бу,
Оллоҳ берган улғу бахт.

Истаймизки, кўрмай қайғу,
Ободда бўлсин ҳар вақт.

Муҳра олам

РИХАРД ЗОРГЕ ҲАКИДАГИ ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР

Германияда таниқли ёзувчи Юлиус Мадернинг собиқ совет разведкачиси Рихард Зоргега бағишланган китоби чоп этилди. "Доктор Зорге ҳақидаги очерклар" ажойиб инсон, моҳир разведкачининг образини янада тўлароқ ифодалашга имкон берадиган архив материалларини чуқур ўрганиш самарасидир. Китобга Р.Зоргенинг ҳаётий йўли тўғрисидаги, унинг олим ва публицист сифатидаги фаолияти ҳақидаги маълумотлар киритилган.

Китоб муаллифи бир қатор янги ҳужжатларни, нодир фотосуратларни топибта муваффақ бўлган, деб таҳидлайди "Нойес Дойчланд" газетаси.

САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР КИТОБИ

Америкалик журналист Жорелл Хирлиман саволлар ва жавоблардан иборат бўлган китоб ёзишга жазм этди. У Нью-Йоркдаги китоб магазинларидан бирининг витринасида саволларни магазинга киритишдаги махсус кутичага ташлашни илтимос қиладиган эълонни осиб қўйди. Ҳар ўн минутда у барча ёзувларни йиғиб олиб уларга ёзма равишда жавоб қайтариб турди. Тушган саволлар жуда ҳам турли-туман эди: Нью-Йоркда ҳаммаси бўлиб қанча суварак бор? Олам нима ва бошқа саволлар шулар жумласидандир. Энг кўп тарқалган мавзулардан бири - "Мен бир вақтнинг ўзида нега Нью-Йоркни жуда ҳам севаман, ҳам уни кўришга кўзим йўқ" деган мавзу эди. Хирлиман шу оннинг ўзидаёқ: "Сиз уни бу ердаги баъзи тасассуротлар учун сева-сиз. Уни кўришга кўзингиз йўқлигининг сабаби шундаки у сизнинг асабингизга тегаверади", деб ёзади.

ОБ-ҲАВО ХИЗМАТИ МАРКАЗИ

Мана қарийб бир йилдирки, Мўғилистон Халқ Республикасининг жануби-шарқда атмосферанинг юқори қатламларидаги физик-химик жараёнларни ўрганиш бўйича иш олиб бормоқда. Бу-Марказий Осиёдаги шу турдаги биринчи илмий муассасадир. Бу ердаги гидрометеорология соҳасида ишлайдиган миллий кадрлар ҳам таёрланади. Марказдан улар қишлоқ хўжалик бирлашмалари ва давлат хўжаликларига йўл оладилар ва гидрометеорология хизмати пунктларида ишлайдилар.

Жаҳон соғлиқни сақлаш Ташкилоти (ЖССТ)нинг маълумотларига қараганда ушбу касаллик асосан Жануби-Шарқий Осиё давлатларида рўйхатга олинмоқда. Булар жумласига: Таиланд, Лаос, Индонезия, Япония, Хитой, Корея, Бангладеш, Сингапур, Камбоджа, Вьетнам, Покистон, Афғонистон каби давлатлар кирари.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Россия Федерациясининг Новосибирск, Омск, Қозоғистон Республикасининг Павлодар, Жанубий Қозоғистон вилоятларида ҳам парранда гриппи бўйича эпидемиологик назорат пунктлари ташкил этилган. Бу назорат пунктларида ҳаммаша ҳушёр ва огоҳ ўз касбларига садоқатли, заҳмат-каш посбонларимиз бор экан, республикамиз ҳудудига нафақат парранда гриппи вирусини, балки бошқа, ҳатто ўта юқумли касалликларнинг кўзгатувчилари ҳам киритилмайдими, бунга зарарча шак-шубҳамиз йўқ. Бирок "Асранганли Оллоҳасрайди" дейишганидек, маз-

лигининг санитария-эпидемиология хизмати, шунингдек, Давлат заҳфисизлиги идораларининг ходимлари томонидан барча чегара ҳудудларида, Тошкент аэропортида тегишли зарур муҳозазавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган 100га яқин санитария назорат пунктлари ташкил этилган. Бу назорат пунктларида ҳаммаша ҳушёр ва огоҳ ўз касбларига садоқатли, заҳмат-каш посбонларимиз бор экан, республикамиз ҳудудига нафақат парранда гриппи вирусини, балки бошқа, ҳатто ўта юқумли касалликларнинг кўзгатувчилари ҳам киритилмайдими, бунга зарарча шак-шубҳамиз йўқ. Бирок "Асранганли Оллоҳасрайди" дейишганидек, маз-

касалликка ниҳоятда тез берилувчан бўлишидан. Мазкур касалликнинг нафақат паррандалар, балки одамлар ўртасида ҳам учраши, унинг "гайри оддий этиология" /ГОЗ/ касаллиги шаклида кечиши, кексалар, айниқса ёш болаларда ниҳоятда оғир ўттиши сабаблари ўрганилганда касалликнинг уй паррандаларига ё боқиб жараёнида, ўзаро яқин мулоқотда бўлиш орқали юқиши аниқланган.

Бугунги кунда Жануби-Шарқий Осиё ва бошқа мамлакатларда паррандалар, аҳоли ўртасида ураётган юқумли касалликни кўзгатувчи вирус бир-бири билан ўзаро чапишиб, замонавийлашиб, янги кўриниш ва қиёфа-

дан уларни иссиқ суеда ювмай фойдаланганда, ҳаво-томчи зарарчалари орқали ўтади. Шундай экан, ҳар бир фуқаро юқумли касалликка чалинмаслиги учун соғлом турмуш тарзи ва маданиятини кундалик фаолиятига кенг татбиқ этиши, кишин-ёзин жисмоний тарбия билан шуғулланиб, ўзини чинқотириши, ишлаш, яшаш ва ўқиш жойини озода, саранжом-сармашта туттиши, қопаверса, ҳар қадамда энг оддий, шахсий ва жамоадаги белгиланган санитария-гигиена қонун-қоидаларга қатъий риоя қилиши шарт ва мажбурийдир.

Бундан ташқари касалликнинг дастлабки белгилари пайдо бўлиши биланқок, дезинфекция воситаларидан фойдаланиш, оғиз-бурунга 6-8 қаватли доканибок туттиш, беморни зудлик билан алоҳида хонага ёлқизиш зарур. Касаллик кўзгатувчи вируснинг ташқи муҳитга кўра ўта чидамсизлигини инобатга олиб, хоналарни тез-тез шамоллатиш, тозалаш ишларини 0,5 фоизли хлорли оҳақ эритмасидан фойдаланган ҳолда ўтказиш, хона, йўлақларда исирик тутатиш айниқса фойдалидир.

Шунингдек, беморни парвардишладан олдин ўзини касалликдан ҳимоя қилиш учун ремантадин, дибазол, афлубин, оксалин суртмаси каби дори-лардан фойдаланган маъқул. Шу мақсадларда таркибиде кўпроқ С дармондориси бўлган наъматакли, лимонли, малинали чой, суқулқулик, турли мевашарбатларини истеъмол қилиш тавсия қилинади.

Энг муҳими, ҳар бир фуқаро ўз сўх-саломатлигига бефарқ бўлмаслиги, ҳар қандай юқумли касалликнинг олдини олиш ва унинг оқибатларини бартараф этишда озодаллик, саранжом-сармашталик, оддий, шахсий оқиб-оқоқ қоидаларига риоя қилиши уларни вижодан бежарчиш жоиз. Зеро, касалликни даволадан кўра, унинг олдини олиш осондир, бунга асло унутманг, азизлар.

Искандар РАҲМОН, Фуқаро муҳофазаси институтига катта ўқитувчиси

Мутахассис маслаҳати

ОГОҲ БЎЛНИГ, "ПАРРАНДА ГРИППИ"!

Сўнгги пайтларда жаҳон оммавий ахборот воситаларининг тарқатган маълумотларига кўра, бир қатор мамлакатларда келиб чиқиш сабаблари ҳалигача илм аҳлига номаълум бўлган юқумли касалликдан паррандалар ва одамларнинг 70 фоизига яқини нобуд бўлаётгани ҳақида ташвишли маълумотлар бор.

кур юқумли касаллик ҳақида аниқ тушулмага эга бўлишимиз, унинг олдини олиш ва башарти шундай касаллик аломатлари юзага келганда қандай ҳимоя воситаларини қўллашимиз зарурлигини очик-ойдин билишимиз лозим.

Ҳўш эдики парранда гриппи нима? Бу янги касалликми, қабилдаги саволларнинг тугилиши табиий. Ававало, парранда гриппи — қушлар ва одамлар ўртасида учрайдиган юқумли касаллик бўлиб, унинг вируси А штаммининг H5N1 турини экинчилиги бундан 100 йил муқаддам Италия олимлари томонидан илмий аниқланган ва исботланган. Шунга кўра, мазкур касаллик вирусининг табиий манбалари — суеда сузувчи, йилнинг баҳор, ёз мавсумларида иссиқ ўлкаларга учиб ўтувчи қушлар ҳисобланади. Булар асосан ёввойи гоҳ, ўрдлардир. Бирок хонақилишган паррандалардан товуқ, қурка, ўрдак ва бошқа қушлар бу юқумли

да ўзини намёнэ тайвтанг эски вируснинг H5N1 тури холос. Энди у ўзини қай бир пайтда ҳам паррандалар, ҳам одамлар ўртасида учраши, ўзидан оғир асоратлар қолдириши, ҳатто "ўлжа" сини нобуд қилиши мумкинлиги билан хатарлидир.

Албатта касалликнинг манбаи касалланган парранда ва одам бўлади. Касалликнинг яширин даври бир неча соатдан 3-5 кунгача давом этади. Касалликнинг асосий белгилари: бош ва мушакларда қучли оғрик пайдо бўлиши, тана ҳароратининг 40-41 даражагача кўтарилиши, нафас йўлларидаги ялғиланиши, ҳаво етишмаслиги, юз ва қовоқнинг шишиши, бурун битилиши, ундан суқулқу акралиши, қайт қилиш ва ичи кетиши.

Парранда гриппи ҳам ўзига ўрнатиш бошқа респиратор юқумли касалликлар сингари одам аксирганида, атрофдашган паррандалардан товуқ, қурка, ўрдак ва бошқа қушлар бу юқумли

Футбол

ШАРТНОМА МУДДАТИ УЗАЯДИМИ?

Ўзбекистон терма жамоасининг Бахрайн терма жамоаси билан жаҳон чемпионати саралаш турнирининг плей-офф баҳсидан кейин мутахассислари мухлислар терма жамоамиз бош мураббийси Боб Хоугтон билан жиддий қизиқиб қолишди. Яъни терма жамоамиз бош мураббийси фаолиятини давом эттирадими ёки Англияга кетадими?

Очирини айтганда Боб Хоугтон билан Ўзбекистон футбол федерацияси ўртасида тузилган шартнома мuddатининг туғашига бир ойдан кўпроқ вақт бор. Бундан ташқари 2007 йилда Осиё чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли турнирга қўрға ташлаш маросими эса келгуси йилнинг январида ўтказилади. Демак, терма жамоамиз учун келаётган йил ҳам узига хос жиддий синовлар даври ҳисобланади. Ўзбекистон футбол федерацияси маълумотларига қўра Боб Хоугтон ва федерация раҳбарлари ўртасида оғзаки мулоқот кечган. Мураббий январь ойида Осиё чемпионатида қўрға ташлаш маросимида қатнашишни нияти борлигини билдирган, футболимиз мутасаддилари ҳам хозирча англиялик мураббийга ишонч билдиришмоқда. Боб Хоугтоннинг терма жамоамизни бошқариши ҳусусида оғзаки келишув бўлган. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Боб Хоугтон ўз вазифасини давом эттирадими ёки йўқми, буну вақт кўрсатади.

ЖИДДИЙ СИНОВ АРАФАСИДА

Маълумки, кейинги ойда Ўзбекистон ёшлар ҳамда ўсириллар терма жамоалари навбатдаги Осиё чемпионати саралаш баҳсларида иштирок этишади.

Тол Колин бош мураббийлигида Осиё чемпионатида жиддий ҳозирлик кўраётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ноябрь ойида Душанбе шаҳрида аввал Покистон терма жамоаси билан, сўнгра майдон эгалари билан қўрға чемпионати саралаш турнирида куч синашади. Ушбу баҳсларда биринчи ўринни эгаллаган терма жамоагига Осиё чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Ўзбекистон ўсириллар терма жамоамиз эса Осиё чемпионати саралаш баҳсларида аввал киргизистонлик тенкурларига қарши кураш олиб боришса, сўнгра непаблик чарм тўп усталарига қарши майдонга тушилади. Ушбу мусобақалар 13 ноябрдан бошланади.

(Ўз мухбиримиз)

«Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими меҳнат фахрийси

Сайёра Асатовна РАҲМАТХЎЖАЕВАНING

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.



САИДА — «СПОРТ МАЛИКАСИ — 2005» ТАНЛОВИ ҒОЛИБИ

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан «Спорт маликаси — 2005» танлови ўтказилди. Унда 64 нафар спортчи қизлар иштирок этишди.

Танлов якунига қўра, Саида Бурхонхўжаева «Спорт маликаси — 2005» ғолиби деб топилди. Саида 7 ёшидан бошлаб стол тенниси

билан шугулланади. 2005 йил Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг спорт ўйинлари факультетини тамомлаган.

1999 йил Германияда ёшлар ўртасида ўтказилган очик турнирда, 2000 йил Швецияда бўлиб ўтган Бутунжаҳон ўсириллар турнирида ғолиб бўлган.

1999-2000 йилларда Ўзбекистоннинг «Энг яхши спортчиси» деб тан олинган.

2002 йилдан буён Италиянинг «Либертас» клуби аъзоси. У италян тилида бемалол сўзлаша олади.

СУРАТЛАРДА: Саида Бурхонхўжаева — танлов ғолиби; танловдан лавҳалар.

Муҳаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор қақоблар!

«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»

Сизларни биржа савдоларига таклиф этади

БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ДАВЛАТ ОБЪЕКТИ ҚУЙИЛДИ:

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Пушкин кўчаси, 68а-уйда жойлашган «YO'L-LOYINA BYUROSИ» давлат унитар корхонаси (биносиз).
Бошланғич нархи — 471 858 700 сўм.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11.00 дан 12.00 гача ҳамда 16.00 дан 17.00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.
Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.
www.tshmbm.uz; Э.л.почта: Birja@mail.tps.uz
ва info@tshmbm.uz

2005 йил 27 августдан бошлаб

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШИМАСИ ТОШКАНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ «ШАРҚ МАШЪАЛЛАРИ» Катта халқаро байрам дастури Дастурдан:

ўргатилган кучукчалар, маймунчалар, қақтарлар билан фантазиялар, илон ўргатувчи бўғма илон билан, чавандоз йигитлар ва бошқа кўплаб иштирокчилар ҳамда қизиқарли томошалар ўрин олган.

ТОМОША ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГИ!!

Томошалар: шанба ва лшанба кўналари соат 12.00, 15.00 да бошланади.

Чипталар цирк кассаарнада ва туман кассирлар томонидан сотилади.

Ҳақ ҳар хил шаклда тўлашни мумкин. Касса эртаалаб соат 9.00 дан ишлайди. Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.

— Қатнайвериб чарчадизми? Мен-ку чарчамадим, чўнтақ чарчади.

Абдурасул Ҳакимов чизган расм.

Мунажжим башорати

ОМАДИНГИЗ КЕЛАДИ
25 ОКТАБРЬ, СЕШАНБА

Мунажжимларимиз таъбирига қўра, бу сешанба кўпчилигиниз учун омадли келади — яъни шу кунги ҳаракатларингиз моддий аҳволингизнинг яхшилинигизга, касб-корингиз ва бошқа соҳаларда муваффақиятлар қўзғилишингизга ёрдам беради.

Ҳар қандай ташаббусларни бошлаш, тақдимотлар ва муҳим тадбирларни ўтказиш унун кунининг яхши келиши ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Узоқ сафарга чиқиш мумкин. Шахсий ташаббусларни ошқор этиш, турли хил илмий гоғларни, режаларингизни рўбга чиқаришнинг ҳам айни пайти буғун.

Дўстлар орттириш, бошлиқлар билан мулоқотлар унун, кийим-кечаклар ва қимматбаҳр безаклар сотиб олиш унун буғунги кун қўлай келади. Дарахт кўчатларини кўчириб ўтказиш, узоқ давом этадиган ишларни бошлаш, юк ташини, савдо-сотик унун буғунги кун омадли бўлмайди.

Уйингиз олдига бирон жониворнинг келиши яхшилик аломати ҳисобланади ва уни қўйиб юборманг. Тирноқ ёки тишнинг синиши — касалликларга ишора. Кўз унунгиз синиши ёки соватингиз тўхтаб қилиши қатта хато ва йўқотишлардан огоҳлангиришидир. Туш пайти осмоннинг муссаффо бўлиши — яхшиликка.

Тушларингиз башорати бўлади. Лекин уларнинг ўйингизда содир бўлишини узоқ вақт қўлишингизга тўрри келади.

БУГУН:

- бирон-бир ишни ниҳоятга етказиш;
- ижодий фаолият ва раҳбарлик иши билан машғул бўлиш;
- обрў-нуфузингиз ҳақда қайғуриб иш қўриш;
- ўз бошлигингиз ва ҳўм юритиш қўдратига эга бўлган бошқа кишилар билан урғаштириш.

Янги ишга қўл уришдан тийилинг, бошланғич бўлган ишнингизнинг фойда келтириши амри маҳал. Ута камтар бўлишдан наф қўрмайсиз.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълолар: 133-28-95, 136-57-65, факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2996 нускада босилади. Кўзгў бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўнари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Наشري етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босяхонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.